

**“Андижон биокимё заводи” АЖ нинг
2016 йил 2-ноябрдаги кузатув кенгаши
йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
Кузатув кенгаши раиси:**


А.К.Гаффоров

**“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг
“Ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва
акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин
бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг
аниқ мезонлари тўғрисида”ги
НИЗОМИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, “Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамияти (кейинчалик Жамият)нинг устави, ва акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича Комиссия йиғилишининг 31.12.2015 йил 31 декабрдаги №9 сонли баёни билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

махфий ахборот — фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

тижорат сирини — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

1.3. Тижорат сирини махфийлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 24 февралда 2081-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

II. АХБОРОТЛАРНИ МАХФИЙ АХБОРОТЛАР, ТИЖОРАТ СИРЛАРИ ВА АКЦИЯЛАР НАРХИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТИШИ МУМКИН БЎЛГАН БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР ТОИФАСИГА КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

2.1. Ахборотлар - махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотлар тоифасига киритилиши учун қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

- учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши;

